O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 15 декабрь, № 248 (4401) Шанба


*Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 14 декабрь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сайловчилари билан учрашди.*

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

**Жиззах.** Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси С. Қобилов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Жиззах вилояти ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, бой табиий ресурслари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигидаги улкан салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади, — деди Ислом Каримов. — Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасидаги кенг қамровли чора-тадбирлар самарасини Жиззах вилояти мисолида яққол кўриш мумкин. Вилоятда етиштирилаётган ғалланинг 98, пахтанинг юз фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. "ЎзЭксайд", "Жизантеп", "Фор-Текс" сингари корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги тобора ортиб бораётир. Ёш авлод таълим-тарбияси, камолотига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли жиззахлик йигит-қизлар ҳам мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан "Жиззах овози" газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, Жиззах шаҳар "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳфират Бердиева, шахмат бўйича халқаро мусобақалар совриндори Юлдуз Ҳамроқулова ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, давлатимизнинг халқаро нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган улуғ ва бетимсол ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканини таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, келажагимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби ғоят муҳим вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлишини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрда бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

* * *

**Сирдарё.** Гулистон шаҳрида ўтган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси С. Кудратов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётимиз таянчи — фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, саноат корхоналарида замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадини кўпайтириб, турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни, ёш авлод баркамоллиги йўлида эзгу ишлар кўламини кенгайтириш дастурнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

— Сўнгги йилларда Сирдарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,3 баравар, саноатда ишлаб чиқариш 1,7 баравар ўсди, — деди Ислом Каримов. — Ерларнинг фермерларга берилиши қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларида — пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорлик сезиларли даражада ошишини таъминлади. Ижтимоий соҳада, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Сирдарё иссиқлик электр станцияси ва "Фарҳод" гидроэлектр станцияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг салмоқли қисмини етказиб беради.

Туб ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.

Боёвут туманидаги "Дўстлик" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саъдулла Абдуқодиров, Гулистон давлат университети талабаси Ҳилола Султонова ва бошқалар учрашувда сўзга чиқиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги нуфузини ошириш борасида амалга оширилган улкан ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**Б. НОРБОЕВ, Т. БЕКНАЗАРОВ, А. БОБОЕВ, Д. ЭСОНОВА, ЎзА махсус мухбирлари.**

## ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА...

*Ота-боболаримиз "Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир", деб бежиз айтишмаган. Зеро, инсон умрининг навқиронлик палласида олинган сабоқ, ўзлаштирилган касб-ҳунар бутун умрга татийди. Бинобарин, бугунги ёшларнинг ўз орзу-умидларига эришишларида, ҳар жиҳатдан униб-ўсишларида ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган қулай шарт-шароитнинг аҳамияти беқиёс.*

*Тошкент Солиқ коллежида бўлганимизда бу ҳақиқатга яна бир карра амин бўлдик.*

*— Энг катта орзуимиз танлаган мутахассислигимиз сирларини чуқур эгаллаб, бизга бириктирилган ишончга муносиб бўлишдир, — дейди солиққа тортиш мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган ўқувчи Гулноза Эргашева. — Мана шундай муҳташам коллежда, замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланган синфхоналарда билим олиш ҳар биримиз учун фахр. Фарзандларим, деб алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга раҳматлар айтамиз. Бизнинг манфаат ва истиқболимизни кўзлаб, янги 2008 йилга "Ёшлар йили" деган ном берилиши барча тенгдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Ўз навбатида, бундай ишонч зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди, янада тиришқоқлик ва қунт билан илму ҳунар ўрганишга ундайди, бизни.*

**Фахр**

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 14 декабрь куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.*

## АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Андижон округ сайлов комиссиясининг раиси А. Султонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Нуроний» жамғармаси Андижон шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Турғуной Тожибоева сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари муттасил оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Рустамов учрашувда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Асака шаҳар кенгашининг раиси Муйдинжон Дадажонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбари Шоҳруҳ Абдурахмонов, ХДП Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси Зулхумор Каримова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат шаклланганидан, сайлов тизимларимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар. Президентликка номзод А. Рустамовнинг дастури ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**С. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 14 декабрь
№ ЎРҚ — 128

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

*Кеча қуйи палатанинг бир қатор қўмиталарида амалдаги қонунларнинг ижроси юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар бўлиб ўтди.*

**Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси**да "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил ва 2007 йилнинг тўққиз ойи оралиғида Тошкент шаҳрида ижро этилиши кўриб чиқилди. Тегишли вазирлик ҳамда шаҳар ҳокимлиги вакиллари қатнашган ушбу тадбирда мазкур масала юзасидан тузилган ишчи гуруҳнинг назорат-таҳлил хулосаси тингланди.

Сўзга чиққанлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда фавқулодда вазиятлар бошқармаси бу борада муайян ишларни амалга оширганини қайд этишди. Шу билан бирга, йиғилишда таъкидланганидек, мавжуд ижобий ишлар қатори фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятида камчиликларга дуч келинмоқда. Хусусан, олий ва ўрта махсус ҳамда умумтаълим муассасаларида "Фуқаро муҳофазаси" йўналишидаги услубий қўлланмалар ва кўргазмали қуроллар етишмаслиги кўзга ташланаётир.

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи

1) **30-модда иккинчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **55-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «қонунларда» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади»;

**олтинчи қисмидаги** «тугатиш комиссиясининг таркибига» деган сўзлар «тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 14 декабрь
№ ЎРҚ — 127



Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

### Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил**

Қирқиш чизиғи

**иккинчи қисмидаги** «Тугатиш комиссияси» деган сўзлар «Тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи**, **бешинчи** ва **еттинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **65-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбошисидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **101-модданинг**:

**иккинчи**, **учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади»;

**олтинчи қисмидаги** «тугатиш комиссияси таркибига» деган сўзлар «тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **102-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар қўйиш учун белгиланган муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида ушбу Қонуннинг 103-моддасига мувофиқ тақсимланади.

Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур баланс тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек



Буклаш чизиғи

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

***Сайлов демократиянинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, сайлов жараёнининг муҳим босқичи саналмиш сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш ва ўтказишда қонунийлик ҳамда ошкоралиқни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.***

# ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

### САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайловчиларнинг овоз бериши участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади. Сайловнинг самарали ўтиши ва сайловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун сайлов махсус ажратилган биноларда ўтказилади. Бунда бинонинг барча шароитларга эгалиги ва сайловчилар учун қулайлиги каби омиллар ҳисобга олинади. Овоз бериш учун ажратилган бино сайловчиларнинг яширин овоз бериши учун етарли кабиналар ёки хоналар, бюллетень тарқатиш учун мўлжалланган жойлар билан жиҳозланган ва сайлов қутилари ўрнатилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари сайлов жараёнида иштирок этаётган овоз берувчилар учун, албатта, яширин овоз бериш кабиналари орқали ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилиши керак. Овоз бериш учун ажратилган бинолар кенг, ёруғ, ёнғинга қарши хавфсизлик ускуналари ва бошқа анжомлар билан таъминланиши лозим.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин сайлов участкаси раиси ва аъзолари сайловларнинг қонуний олиб борилишини таъминлаш мақсадида сайлов қутиларини текширади ва муҳрлайди.

Амалдаги қонунчилигимизда овоз бериш куни ҳар бир сайловчи шахсан овоз бериши белгилаб қўйилган. Яъни, бировнинг номидан ёки ишончнома асосида овоз беришга йўл қўйилмайди.

Сайлов куни айрим сайловчилар маълум бир узрли сабабларга кўра ўз сайлов участкаларига кела олмаслиги мумкин. Масалан, сафарда бўлиши ёки ўқув фаолиятининг тартиби, давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш, сайловчи соғлиғининг аҳволи ва бошқа ҳолатлар. Бундай шароитда бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган сайловчиларга участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов варақалари берилади. Улар Президентликка номзодлар хусусида ўз қарорини варақада ифода этиб, уни конвертга солиб участка сайлов комиссиясига топшириши мумкин.

Бу бевосита сайловчиларимизга ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз овозларини бера олиш имконияти яратилишидан далолатдир. Сайлов варақасининг ёпиқ конвертда қолдирилиши сайловчиларга овоз беришнинг яширин тарзда амалга оширилишини кафолатлайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг энг муҳим жиҳати сайловчиларимизга ҳар қандай шароитда ҳам ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни кафолатлашдан иборатдир. Жумладан, шу йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мусулмонларнинг Қурбон ҳайити байрамига тўғри келиб қолганлиги муносабати билан Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан 5 мингга яқин юртдошимиз ҳаж сафаридан, яъни сайлов кунидан олдин истиқомат қилиш жойларида сайлов варақаларини тўлдириб овоз бериш имконига эга бўлдилар.

Сайлов куни соғлиғининг ёмонлиги сабабли ёки бошқа бирор сабаб туфайли овоз бериш жойига кела олмайдиган сайловчиларнинг илтимосига кўра, участка сайлов комиссияси уларнинг турaржойида овоз бериш учун имконият яратиши мумкин. Бунда участка сайлов комиссиясининг камида икки аъзоси сайловчиларнинг турaржойида овоз беришни ташкиллаштиради. Бундай шароитларнинг яратилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳар бир фуқаронинг овози муҳим ўринга эга эканлигидан далолат беради.

Овоз бериш куни участка сайлов комиссияси сайловчиларга паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида сайловчилар рўйхатига асосан сайлов бюллетенларини беради. Сайлов рўйхатлари эса, ўз навбатида, участка сайлов комиссиялари томонидан тайёрланиб, сайловга ўн беш кун қолганда танишиш учун тақдим этилади. Қайсидир сабабларга кўра сайлов рўйхатига кирмаган шахслар ҳам овоз беришдан маҳрум бўлмайдилар. Улар участка сайлов комиссиясига мурожаат қиладилар. Участка сайлов комиссияси сайлов рўйхатига киритилмаган кишиларнинг шахсини ва турaржойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади ва уларга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетенини олган сайловчи овоз беришга мўлжалланган махсус яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасига кириб, бюллетенини тўлдиради. Сайловчиларнинг яширин овоз беришини таъминлаш мақсадида бюллетень тўлдириш вақтида сайлов кабинаси ёки хоналарида бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқлаб қўйилган.

Бюллетенни ўзи мустақил тўлдира олмайдиган шахслар (масалан, касаллиги, ногиронлиги ёки ўқишни ё ёзишни билмаслиги туфайли) кабина ёки хонага бошқа кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Лекин участка комиссияси аъзолари, кузатувчилар ва номзоднинг вакиллари юқорида кўрсатилган шахсга ёрдам бериш учун овоз бериш хонаси ёки кабинасига киришга ҳақли эмаслар.

Сайлов куни рўйхатдаги барча сайловчилар овоз бериб бўлишган тақдирда ҳам овоз бериш соат 20:00 гача тугатилмайди. Бу муайян сабабларга кўра, рўйхатга кирмай қолган сайловчиларнинг кўрсатилган вақтгача сайлов участкасига келиш эҳтимоли билан изоҳланади.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда ва бориш қийин бўлган манзиллардаги сайловчилар турaржойларида, шунингдек, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлишган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиш, сайловнинг ҳақиқий демократик ва адолатли ўтишида овоз беришнинг қонунда белгиланган тартибда ўтказилишининг аҳамияти ғоят каттадир.

**Азиз БОЛТАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мавжуд масалаларни ҳал этиш юзасидан депутатлар тегишли тавсияларни бердилар.

**Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси**нинг йиғилишида "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ҳуқуқий йўналишдаги даврий нашрлар ("Инсон ва ҳуқуқ", "Куч — адолатда", "Ҳуқуқ", "Постда" газеталари ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч", "Қалқон" журналлари) мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Мазкур тадбирда истиқлол йиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида оммавий ахборот воситалари мустаҳкам ўрин эгаллаётгани таъкидланди. Хусусан, фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий йўналишдаги нашрларнинг долзарблиги сўзга чиққанлар диққат марказида бўлди.

Юқорида номлари қайд этилган нашрлар халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, амалдаги қонун ва бошқа меърий ҳужжатларнинг ижросини таъмин этишда катта аҳамият касб этаяпти. Депутатлар адади салкам юз мингга етадиган ушбу нашрларнинг ҳамюртларимиз ҳаётига янада кенгроқ кириб бориши ҳамда бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

Қуйи палатанинг **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси** йиғилишида эса "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган вилоятидаги ижросига оид назорат-таҳлил хулосаси муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Наманганда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, 2003-2007 йилларда Республика Болалар жамғармаси ҳисобидан 13 та янги иншоот қурилди, 23 таси қайта таъмирланди. Шунингдек, 26 та спорт зали, жами 62 та спорт мажмуаси қурилиб, вилоят аҳолиси хизматига берилди. Умуман айтганда, 490 минг нафар йигит-қиз мунтазам спорт билан шуғулланаётир. Шуларни қайд этган депутатлар ишлар кўламини янада кенг миқёсда олиб бориш кераклигини таъкидлаб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш юзасидан ўз тавсияларини беришди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ислоҳот

*Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.*

# Агрофирма — фермерга камарбаста

Жумладан, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган 13 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, 18 агрофирма эса улар тайёрлаган маҳсулотларни қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришда жонбозлик кўрсатаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида агрофирмалар фермер хўжаликларидан салкам 17,6 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олди ва уларни қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Хусусан, Россиянинг Москва, Новосибирск, Иркутск, Иваново, Омск шаҳарларида савдо уйлари очилди.

Олтиариқ туманидаги «Фруктовий рай» агрофирмаси боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва экспорт билан шуғулланади.

Унинг раҳбари Абдуманнон Нишоновнинг айтишича, агрофирманинг экспорт қилаётган маҳсулотлари ҳажми тобора ортиб, жорий йилда Россияга 10 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жўнатилди.

Бу ерда қиш мавсумига минг тоннадан ортиқ хурмо, анор, 150 тонна картошка, 2 минг тонна пиёз ва бошқа маҳсулотлар захираси яратилди.

**СУРАТДА: Олтиариқ туманидаги «Фруктовий рай» агрофирма ишчиси Нуриддин Мақсудов.**

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Боғизағондан — Барнаулга

Тайлоқ туманидаги «Боғизағон» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари Россия Федерациясининг Томск, Барнаул ва бошқа бир қатор шаҳарларига экспорт қилинаяпти. Олинаётган даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда.

— Россиялик ҳамкорларимизнинг талабларига биноан, бу йил қуввати бироз оширилган вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди жамият бошқаруви раиси Ботир Козимов. — Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошди. Эндиликда бир йилда 3,5 минг тонна узумни қайта ишлаш имкониятимиз бор. Тумандаги «Токзор-Баракафайз» ва «Дилкушо-Сифат» агрофирмалари орқали узумчиликка ихтисослашган фермерлардан шартнома асосида мўлжалдагидан ортиқ хом ашё қабул қилиб олдик.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# Урганчда янги истироҳат боғи

***Урганч шаҳар марказида Марказий хиёбон мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди.***

Уч гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ушбу хиёбонга жанубий ва шимолий томондан маҳобатли арка дарвозалар орқали кириб борилади. Майдоннинг шимолий қисмидаги арка олдида айланаси 21 метрлик улкан фаввора қурилди. Айниқса, қомусий илм соҳиби, улуғ бобокалонимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг салобатли ҳайкали майдонга янада кўр бағишлаб турибди. Ёдгорлик олдида эса олтита шаффоф сувли фавворалар, манзарали дарахтлар, анвойи гуллар, кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар жой олган.

Марказий боғ-хиёбонда янгидан бунёд этилган 42 метрлик, оппоқ кўринишдаги соат минораси шаҳарнинг кўркига айланган.

Урганч шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб турган мазкур гўша истиқлолнинг чинакам мўъжизаси, халқимиз бунёдкорлиги, яратувчанлиги ва салоҳиятининг ифодасидир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ватан ҳимояси — муқаддас

***Аскар қасамёди — жонажон юрти учун кўксини қалқон қилишга чоғланган эр йигитнинг халқи, ота-онаси, тенгдошлари олдидаги лафзи. У қабул қилинган кун бир умр ёдда қолади.***

Азизбек Абдукаримов ҳам яқинда қасамёд қабул қилди. Наманган давлат университетини тамомлаб, диплом олган ёш мутахассис бир ой давомида ҳарбий бўлинмада хизматни ўтади. У ва унинг сафдошлари сафарбарлик чақируви резерви хизматида бўлган қисқа фурсат ичида жисмоний ва сиёсий жиҳатдан чиниқиб, зарур ҳарбий билим ва салоҳиятни эгаллашди.

Қасамёд қабул қилиш тантанасида иштирок этган «Маҳалла» жамғармаси Поп тумани бўлими, «Камолот» ЁИҲ ҳамда ота-оналар вакиллари йигитларнинг жанговар тайёргарлиги аъло даражада ўтганлигини таъкидлаб, уларга самимий тилаклар билдиришди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Боботоғ пистаси кўпаяди

***Тоғ-тошларни ёриб ўсадиган писта дарахти қаровсизликка дош беролмайди. Буни яхши англаган Узун туманидаги «Боботоғ» ўрмон хўжалиги жамоаси ишни янгича шаклда йўлга қўйди.***

Яъни, ҳар бир кўчат, ҳар бир дарахт учун ҳисобварақалари очилди. Бу тадбир қисқа вақт ичида ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Жорий йилда пистазорлардан 30 тонна ҳосил олинди.

— Биз қарағайзор ва арчазорларни ҳам кенгайтириш устида ишлаяпмиз, — дейди хўжаликнинг бош ўрмончиси Ашур Тўрақулов. — Ўрмон — етти хазинанинг бири. Уни нафақат асраш, балки яшил майдонларни кенгайтириш бизнинг бурчимиздир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўргазмали семинар

***Навоий вилоятининг «Зарафшон пахта сервис» МЧЖга қарашли уруғлик чигит тайёрлаш корхонасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамкорлигида минтақавий кўргазмали семинар ўтказди.***

Унда 2008 йил ҳосили учун фермерларни сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш борасида пахта тозалаш корхоналарида қилинаётган ишлар, ғўза навларини тўғри жойлаштириш ва сифатли уруғ жамғармасини яратиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, иштирокчиларга уруғлик чигитни тайёрлашда назорат хизматининг фаолияти, ғўзани касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда уруғлик чигитни дорилашнинг аҳамияти ҳақида ҳам тавсиялар берилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қирқиш чизиғи

уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи жамиятнинг молмулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида, тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади»;

4) **103-модданинг биринчи қисмидаги** «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»**ги 717–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда)



Буклаш чизиғи

165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 164-модда, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **54-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тугатувчини – тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайдилар ҳамда ушбу Кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

Тугатувчи тайинланган пайтдан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш бўйича ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади»;

2) **55-модданинг**:

**биринчи қисми биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида юридик шахснинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради»;



Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

## ҚОНУНИ

# Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 4 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9,



Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

**9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг – юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **62-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясига (тугатувчига)» деган сўзлар «тугатувчига» деган сўз билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### «Лиссабон шартномаси» имзоланди

*Португалия пойтахти Лиссабонда Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари ЕИ конституцияси ўрнини босувчи шартномани имзоладилар. «Лиссабон шартномаси» деб номланган мазкур ҳужжатни тайёрлаш ишлари 2005 йилда бошланган эди.*

Ушбу шартнома 27 давлат томонидан ратификация қилингандан сўнг 2009 йилда кучга киради. Унга биноан, энди ҳар ярим йилда ЕИ раислиги бир мамлакатдан иккинчисига ўтмайди, Европа Иттифоқини давлатлар раҳбарлари томонидан икки ярим йилга сайланадиган президент бошқаради. Шунингдек, ЕИнинг ташқи сиёсатини юритадиган Европа Иттифоқи ташқи ишлар вакили лавозими ҳам жорий этилади.

«Лиссабон шартномаси»да ЕИ тизимидаги бошқа ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топган.

### Суд рад этди

*2001 йилда Никарагуа БМТнинг Халқаро судига мурожжат қилиб, Кариб денгизидаги Провиденсия, Сан-Андрес ва Санта-Каталина оролларини, шунингдек, Ронкадор, Серрана ҳамда Кита-Суэньо каби кичик оролчаларни Колумбиядан олиб беришни талаб қилган эди.*

Куни кеча суд ушбу иш бўйича ўз қарорини чиқарди. «ИТАР-ТАСС» хабарида айтилишича, мурожаат қилиш муддати ўтиб кетгани учун суд Никарагуанинг талабини рад этган.

БМТнинг Халқаро суди давлатлар ўртасидаги баҳсли масалаларни ҳал этадиган ягона суд органидир. Унинг 15 нафар судьяси бор. Бу судьялар БМТнинг Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан 9 йилга сайланади.

### Иш ўринлари қисқаради

*Дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирида турувчи Швейцариянинг «Novartis» компанияси кейинги икки йилда 2500 та иш ўринларини қисқартиришга қарор қилди.*

Бу компания бутун ишчилар сонининг 2,5 фоизини ташкил этади. «Bloomberg» ахборот агентлиги мухбирининг қайд этишича, йилдан-йилга жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши ва маҳсулотга талабнинг камайиб бориши компания раҳбарларини шундай йўл тутишга мажбур этмоқда.

Ишчилар сонининг қисқариши эвазига 2010 йилга бориб корхонада 1,6 миллиард евро иқтисод қилинади.

### Синов арафасида

Ҳиндистонда келгуси йилнинг январь ойида учинчи авлод қитъаларо баллистик ракеталар синови бошланади. «Agni III» деб номланган бу ракеталар 6000 километр масофагача учади. Бу Ҳиндистоннинг ядро заряди билан қуролланган ракеталари Евроосиё қитъасининг исталган нуқтасигача етиб бора олишини англатади.

Ҳозирги пайтда Ҳиндистон қуролли кучлари 700 километргача учадиган «Agni I» ва 2500 километргача учадиган «Agni II» баллистик ракеталари билан қуролланган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**Молия муассасаларида**

***Республикамиз тижорат банкларининг ривожланган мамлакатлар молия муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳеч кимга сир эмас.***

***Хусусан, давлат-тижорат Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги давлатлараро ҳамкорликка асосан, 2003 йилдан бошлаб мазкур йўналишда Германия Жамғарма кассалари фонди билан амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.***



## Халқ банки:

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бу ҳамкорлик доирасида Халқ банки филиалларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнларини янада ривожлантириш, мижозларга замонавий хизмат турларини кўрсатишни такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, банк филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб белгиланган. Шу билан бирга, Халқ банки мутахассисларининг Германиянинг етакчи молиявий муассасаларида тажриба алмашишини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилган. Ўтган давр мобайнида ўзаро ҳамкорлик натижасида банкнинг Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларидаги 18 та филиали Германиядан келтирилган замонавий компьютер техникалари ва мебеллар билан жиҳозланди. Бугунги кунда ҳудудлардаги ана шу намунали молиявий муассасалар 1800 дан ортиқ мижозларга, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматини кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида филиаллар орқали ажратилган кредитлар ҳисобидан 1260 тага яқин янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айни чоғда ҳамкорлар томонидан Германиядан махсус жиҳозланган замонавий 5 та ўзиюрар банк(жиҳозланган Мерседес-Бенц русумидаги автобус)лар олиб келиниб, улар банкнинг Тошкент шаҳри, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари филиалларига топширилди. Ана шу ўзиюрар банклар ижтимоий тўловларни ўз вақтида тарқатиш имконини бермоқда, дам олиш кунлари ва ишдан кейин маҳаллаларда аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиб олмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида, шунингдек, Халқ банки филиалларининг 80 га яқин мутахассислари Германиянинг йирик молия муассасаларида бўлиб, тажриба алмашиб келишди. Германиядан келган салкам 30 нафар эксперт томонидан эса банкнинг барча ҳудудий филиалларида замонавий банк хизмати ҳамда кредитлаш жараёнлари мавзусида ўқув семинарлари ташкил қилинди. Ушбу семинарларда 900 га яқин банк ходимлари иштирок этиб, билимини ошириди.

Бундан ташқари, банкнинг бош офисида ташкил этилган ўқув маркази Германиядан келтирилган компьютер техникалари ва мебеллар билан тўлиқ жиҳозланди. Ҳар ойда Халқ банки филиалларининг 50-60 нафар мутахассиси ушбу марказда ўз малакаларини оширмоқда.

Келгуси йилда банкнинг Қорақалпоғистон, Сурхондарё ва Қашқадарё ҳудудий филиалларини ҳам намунали филиалларга айлантириш режалаштирилган. Ушбу ҳамкорликнинг бошқа лойиҳалардан фарқли жиҳати шундан иборатки, бунда Германия Жамғарма кассалари фонди томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар беғараз бўлиб, Халқ банкига ҳеч қандай мажбуриятлар юклатилмаган. Ҳозирда Германия Жамғарма кассалари фондининг ҳамкорликни узайтириш бўйича берган таклифи инобатга олиниб, ҳукумат раҳбарияти билан келишилган ҳолда унинг муддати 2010 йилгача узайтирилди.

Кўриниб турибдики, Халқ банкининг Германия Жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Бу, ўз навбатида, мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Халқ банки Матбуот хизмати.**

### Мафтункор маскан

**Қадрият**

Андижон шаҳрининг темир йўл бекати рўпарасида шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги майдон ташкил этилди. Ҳамиша гавжум бўладиган, обод гўшанинг Бобур номи билан аталиши, бобокалонимизнинг Эски шаҳар мавзеидаги салобатли ҳайкалининг бу ерга кўчириб ўрнатилиши умумбашарий қадриятларимизнинг улуғланаётгани, миллатимизнинг фахру ифтихорига айланган беназир алломага бўлган чексиз эҳтиромнинг амалдаги эътирофидир.

Ушбу маскан юртимизнинг энг мафтункор сайлгоҳига, зиёратгоҳига айланиши, шубҳасиз.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Халқаро маданият карвон саройида ёш мусаввирларнинг шахсий кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси кўмаги билан ташкил этилган мазкур кўргазма республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари — Моҳира Ибрагимова ва Дамир Дюсекеновларнинг ижодий ишларига бағишланди.***

### ИСТЕЪДОДЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

**Кўргазма**

— Ёш мусаввирларнинг бу галги шахсий кўргазмаси "Ёркин дунё" деб номланади, — дейди Халқаро маданият карвон саройи кўргазмалар зали мудираси Гавҳар Саодатова. — Маълумки, бир неча йилдан буён Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи билан ҳамкорликда бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. Бугунги тадбирнинг бош сабабчилари — Моҳира ва Дамир ҳам лицей-интернатнинг истеъдодли, бир неча халқаро танловларда ғолиб бўлган ўқувчиларидир. Бундай иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, ёшларимиз ижодига эътибор уларнинг келгусидаги муваффақиятларини таъминлаши, шубҳасиз.

— Бундан аввал I ўзбек-корейс ёш мусаввирлар танловлари, шунингдек, Италия, Туркия, Корея давлатларида бўлиб ўтган танловларда қатнашганман, — дейди Моҳира Ибрагимова. — Ўз юртимда, ота-онам, устозларим ва яқинларим кўз ўнгида эса биринчи бор ўзимнинг шахсий кўргазмам бўлиб ўтаяпти. Бу бир умр ёдимдан чиқмайдиган катта ютуқларимдан бири сифатида хотирамда қолади.

— Келажакда машҳур дизайнер бўлишни орзу қиламан, — дейди Дамир Дюсекенов. — Шунинг учун ҳам келгуси йил лицейни тамомлагач, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтига ҳужжат топширмоқчиман. Ҳали институт талабаси бўлмай туриб, шахсий кўргазмам ташкил этилиши, рассом сифатида устозлар назарига тушишим янада юксак чўққиларни кўзлаб ҳаракат қилишимда менга куч бағишлайди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Фарғона томонларда**

### Фан ойликлари

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги билим даргоҳларида йилнинг ҳар бир ойи алоҳида «Фан ойлиги» деб эълон қилиниши яхши самара бермоқда. Ўтган ноябрь ойи она тили ва адабиёти фани ойлиги деб эълон қилинган бўлса, декабрда асосий эътибор чет тиллар фанларига қаратилди.

Бешариқ тумани мактабларида 80 нафардан зиёд инглиз тили фани ўқитувчилари меҳнат қилишади. Яқинда улар фан ойлиги доирасида 1-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабида учрашиб, таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини орттириш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

### «Саховат»да бахтини топишди

Яқинда Фарғона шаҳридаги «Саховат» уйида ажиб бир файзли тўй бўлиб ўтди. Бу ерда истиқомат қилаётган кўнгли ярим кишилар биринчи гуруҳ ногиронлари Каримжон Маматхўжаев ҳамда Адолат Турғуноваларни оила қурганликлари билан самимий муборакбод этишди.

«Саховат» уйи маъмурияти эса Тошкент вилоятидан келиб, Фарғонада бахтини топган келин-куёвларнинг мўъжазгина тўйини ўтказиб беришди. Ёш оилага «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, «Фарғонаёғмой» акционерлик жамияти, касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан совғалар улашилди.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**


## O'ZSANOATQURILISHBANK

### «СЮРПРИЗ» ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ

2007 йилнинг 11 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноаткурилишбанк»нинг "Сюрприз" ютуқли омонати бўйича 12-ютуқ тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:

| №№ т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | №№ т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | №№ т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | №№ т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 25 | 7 | 26 | 100 | 255 | 51 | 50 | 500 | 76 | 200 | 752 |
| 2 | 25 | 13 | 27 | 25 | 261 | 52 | 50 | 511 | 77 | 25 | 766 |
| 3 | 25 | 20 | 28 | 25 | 278 | 53 | 25 | 524 | 78 | 25 | 774 |
| 4 | 50 | 38 | 29 | 200 | 280 | 54 | 50 | 538 | 79 | 25 | 784 |
| 5 | 50 | 42 | 30 | 25 | 294 | 55 | 25 | 540 | 80 | 25 | 791 |
| 6 | 25 | 51 | 31 | 25 | 304 | 56 | 50 | 551 | 81 | 25 | 803 |
| 7 | 25 | 68 | 32 | 25 | 310 | 57 | 25 | 567 | 82 | 25 | 814 |
| 8 | 25 | 71 | 33 | 25 | 326 | 58 | 100 | 576 | 83 | 100 | 821 |
| 9 | 50 | 84 | 34 | 100 | 339 | 59 | 25 | 581 | 84 | 25 | 834 |
| 10 | 200 | 94 | 35 | 50 | 344 | 60 | 25 | 597 | 85 | 25 | 842 |
| 11 | 25 | 107 | 36 | 50 | 351 | 61 | 25 | 609 | 86 | 25 | 852 |
| 12 | 25 | 112 | 37 | 50 | 366 | 62 | 50 | 615 | 87 | 25 | 864 |
| 13 | 25 | 124 | 38 | 50 | 378 | 63 | 100 | 625 | 88 | 100 | 873 |
| 14 | 25 | 132 | 39 | 25 | 382 | 64 | 50 | 639 | 89 | 25 | 883 |
| 15 | 25 | 147 | 40 | 25 | 390 | 65 | 25 | 648 | 90 | 50 | 896 |
| 16 | 50 | 156 | 41 | 25 | 400 | 66 | 25 | 651 | 91 | 25 | 902 |
| 17 | 25 | 169 | 42 | 25 | 417 | 67 | 25 | 665 | 92 | 50 | 917 |
| 18 | 25 | 179 | 43 | 25 | 426 | 68 | 100 | 671 | 93 | 25 | 929 |
| 19 | 25 | 188 | 44 | 50 | 434 | 69 | 25 | 688 | 94 | 25 | 937 |
| 20 | 100 | 191 | 45 | 25 | 440 | 70 | 25 | 692 | 95 | 25 | 941 |
| 21 | 25 | 201 | 46 | 25 | 455 | 71 | 50 | 704 | 96 | 25 | 957 |
| 22 | 100 | 210 | 47 | 100 | 464 | 72 | 25 | 711 | 97 | 25 | 967 |
| 23 | 25 | 225 | 48 | 25 | 478 | 73 | 200 | 721 | 98 | 25 | 977 |
| 24 | 50 | 239 | 49 | 25 | 489 | 74 | 200 | 730 | 99 | 25 | 983 |
| 25 | 50 | 245 | 50 | 25 | 491 | 75 | 25 | 744 | 100 | 25 | 994 |

**ИЗОҲ:** Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқли ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақаларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек.

**Мисол учун:** ВС-7, ВС-1007, ВС-2007, ВС-3007 ва Х.К.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноаткурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси, «Ўзсаноаткурилишбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари — М.К. Мирзабаев

Масъул котиб — Н.Г.Эргашходжаев

188767/291



*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Жиззах вилояти Хўжалик судининг 13-0407/1259-сонли иши бўйича 2007 йил 19 февралдаги ажримига асосан тугатиш иши тикланган, 2007 йил 2 ноябрдаги ажримига ва кредиторларнинг 2007 йил 19 ноябрдаги 4-сонли йиғилиши баёнига асосан Жиззах шаҳридаги «Жиззахгўшт» ХЖга қарашли мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида (мулкий мажмуага ишлаб чиқариш биноси, маъмурий бино, тозалаш иншооти, совун цехи биноси, омборхона, суяк майдалаш цехи биноси, насос дренаж биноси, ёрдамчи бино, девор тўсиқ, бетон резервуар) қўйилган. Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Жиззах вилояти филиалининг х/р 20210000000571452050 АТ «Ипотекабанки» «Сангзор» филиали, МФО 00834, ИНН 200933850 га ўтказишлари шарт. Савдода ғолиб чиққан шахс мулкнинг тўлиқ қийматини савдо натижаси тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонун талаблари доирасида тўлаб беради.

Ушбу мазмундаги эълон «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 24 ноябрдаги 112 (4770)-сонида ва «Джизакская правда» газетасининг 2007 йил 24 ноябрдаги 111 (4769)-сонида чоп этилган.

Кўшимча маълумотлар учун РКМБ Жиззах вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй.**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

18898/2041



## «KAFOLAT RIELT» МЧЖ

**2008 йил 15, 22, 29 январь кунлари соат 12.00 да**

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

«PASTA KAMOLA» ҚҚнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор-26, Заргарлик кўчаси, 2-уйда жойлашган «PASTA KAMOLA» ҚК — банкрот корхонага тегишли, умумий майдони 955,0 кв.м. бўлган бино қисми, «LEVATI» Италия фирмасининг картофель чипсларини тайёрлаш линияси, Италиянинг «IMAFARNI» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган чўзма навли печенье тайёрлаш линияси ва барча товар-моддий бойликлардан ташкил топган мулкий мажмуа.

***Бошланғич баҳоси — 1 026 213 000 сўм.***

«ДЎСТОБОД НОН» АЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, У.Юсупов кўчасида жойлашган «ДЎСТОБОД НОН» АЖ — банкрот корхонага тегишли бино ва иншоот, асбоб-ускуна ва бошқа мулклардан ташкил топган мулкий мажмуа.

***Бошланғич баҳоси — 45 692 985 сўм.***

Ушбу мулкни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.**


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти маъмурияти ва касаба уюшмаси етакчи илмий ходим, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Насриддин Абдуллаевич СИРОЖИДДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Аблоберди Эгамовга опаси **МУНАВВАР аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси марказ директори муовини Азизхон Ханходжаевга отаси **Пўлат ХАНХОДЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Техника университети жамоаси Нефть ва газ факультети Нефть-газ геологияси ва геофизикаси кафедраси доценти **Кудратилла Раҳматуллаевич СИДИҚХЎЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ТУЁҒИДАН ЎТ ЧАҚНАГАН

**Халқимизнинг тўйлари, байрамлари, турли сайиллари улоқ, пойга ва чавандозлар беллашувларисиз ўтмаган. Майинтепа қишлоғида (Самарқанд вилояти) яшовчи Элбек чавандоз номи кўпчиликка яхши таниш. У ўзининг "Чипор" лақабли оти билан нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатларда уюштирилган улоқ-кўпкариларда катта совринларга сазовор бўлган. Бир гал шу оти учун янги "КамАЗ" машинасини таклиф қилишганида ҳам рози бўлмаган. Ўзиям отмисан, от эди-да, жонивор. Тумонат отлар орасидан улоқни олган эгасини сирли ҳаракатлари билан манзилга етказганида, одамлар ҳайқириб юборарди.**

# ТУЛПОРЛАР



Мавзу

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Чин давлати ҳукмдорлари Марказий Осиё отларига ҳавасманд бўлиб, кўп бора бу мамлакатларга юриш қилганлар. Тарихчиларнинг таъкидлашича, "Самовий тулпорлар" деб эътироф этиладиган "Ахалтекин" зотли отлар бизнинг заминимизда 3-4 минг йил олдин пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Нима учун бу отларга қизиқиш шунчалик кучли бўлган, деб ўйларсиз. Мутахассислар фикрича, "Ахалтекин" отлари чидамли, ўзининг келишган кўриниши, учқурлиги ва одамга тез ўрганиши, топшириқларни яхши ўзлаштириб олиши билан ажралиб туради.

Яқинда Президентимиз давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлди. Ташриф давомида Туркманистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига "Ахалтекин" зотли тулпор совға қилди. Бу Туркманистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ва ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг амалий ифодасидир.

— От инсондан алоҳида эътиборни, парваришни талаб қиладиган жонивор, — дейди Республика от спорти Олий маҳорат мактаби директори Равшан Сагдуллаев. — Шу ўринда мамлакатимизда от спортини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Дунё миқёсида уюштириладиган турли нуфузли мусобақаларда, кўпчилик ҳолларда, "Ахалтекин" зотли отларнинг ўз ўрни бор. Улар орасида Олимпиада ўйинлари совриндорлари ҳам бор. Ўзбекистон 1993 йилда халқаро от спорти федерацияси (FEI)га расман аъзо бўлганди. Шундан буён ўтказилаётган турли халқаро турнирлар, жаҳон кубогининг Марказий Осиё босқичида чавандозларимиз муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. 1994 йилда Самарқандда ўтказилган мусобақада Александр Мартинов "Арслон" лақабли оти билан тўсиқлар оша сакрашда 1 метру 92 сантиметр натижага эришиб, Ўзбекистон рекордини ўрнатганди. Ғайрат Назаров, Азиз Содиқов, Умид Комиловлар қўлга киритган муваффақиятлар таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда 190 дан ортиқ спортга ихтисослашган отларимиз бор. Шуларнинг 60 га яқини тоза наслли "Ахалтекин" (мутахассислар томонидан махсус ҳужжатга эга бўлган) отлардир. Уларнинг асосий қисми Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳридаги "Ахалтекин шер" ва "Олтин тақа" клубларида парвариш қилинмоқда. Мамлакатимиз бўйича от спорти билан 700 нафарга яқин ёшлар шуғулланишади. Уларга 65 нафар мураббий от спорти сирларини ўргатмоқда.

Албатта, бу спортни ривожлантириш учун биринчи навбатда отларнинг наслини яхшилаш талаб этилади. Ҳозир жойларда наслли отларни кўпайтириш, отчопарларни замон талаблари даражасига келтириш, спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш ишлари олиб борилаяпти.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Пултопар халат

Профессионал боксчинг ўта оғир вазни — IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, украиналик Владимир Кличко WBO йўналиши бўйича олтин камар эгаси, россиялик Султон Ибрагимов билан бўладиган қўшкамар учун жанг арафасида антиқа тадбир уюштиришга қарор қилди.

Қизиқ

Гап шундаки, жанг олдидан хоҳлаган ишқибоз украиналик боксчи халатига ўзининг исмини ёзиши мумкин. Бунинг учун у 135 евро тўласа кифоя, деб хабар беради "AFP". Акциядан тушган маблағнинг барчаси Laureus Sport хайрия жамғармасига топширилади. Кичик Кличко жанг тугагач, халатини ҳам аукцион орқали сотишни ният қилиб қўйган. Бу маблағ ҳам ушбу жамғарма ҳисобига ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, қўшкамар учун чемпионлик жанги келаси йилнинг 23 февраль куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтади.

**Ойбек ТОШТЕМИРОВ.**

# СПОРТНИНГ ОЛАМИ СИРЛИ

***Бундан роппа-роса икки йил муқаддам Бразилия футбол конфедерацияси дунёдаги биринчи Футбол музейи қурилиши режасини тасдиқлаганди. Бундай музей очиш ғояси эса футбол қироли Пеледан чиқди. У 2002 йилги жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси навбатдаги ғалабани қўлга киритгач, шу таклифни ўртага ташлаганди.***

## ПЕЛЕ

## «табаррук» қилган либос

Дунё футболидаги энг таниқли шахснинг таклифига орадан уч йил ўтиб Бразилия футбол конфедерацияси президенти Рикардо Тейшера хайрихоҳлик билдирди. Конфедерация музейни Сан-Паулу шаҳридаги машҳур «Пакаэмбу» ўйингоҳи биносида очишни лозим топди.

Ана холос!

Пеле музей коллекциясига шахсий буюмларидан бирини қўйишга ваъда берди. Шу мақсадда конфедерация сайтида «Пеле айнан қайси қимматбаҳо нарсасини қўйиши лозим?» деган мавзуда сўров ўтказилди. Қатнашчиларнинг 40 фоизи 1958 йилда Швецияда ўтган жаҳон чемпионатида ёш Пеле кийган либосни музейга бергани маъқул, деган таклифни билдирди. Қарийб 30 фоиз иштирокчи эса Пеле 1970 йилги мундиалда ўзига туҳфа қилинган Италия терма жамоаси вимпелини музейга тақдим қилса яхши бўлади, деган фикрда. Сўралганларнинг ўн фоизи Пеле 1970 йилда Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида кийган либосини янги музейга тақдим этишини исташаяпти. Лекин... Ўша куни Пеле бу либосни сўнгги бор кўрганди. Финал ҳуштаги янграган заҳоти мухлислар стадионга ёпирилиб киришган, фанатлардан бири Пеленинг эгнидаги либосни йиртиб олишга улгурганди. Бу матоҳни ўша мухлис 27 йил давомида уйида сақлади ва яқинда катта маблағ эвазига сотиб юборди.

Маълумотларга қараганда, 2008 йилнинг январида Футбол музейи мухлисларга ўз эшикларини очади.

**И. ИБРОҲИМОВ тайёрлади.**

## Жаҳон спорти юлдузлари

## Ҳеч ким забт этолмаётган марра

***Мартина барча даврларнинг энг ёрқин теннис юлдузи ҳисобланади. Узоқ йиллик теннисчилик фаолияти давомида у 1649 марта кортга чиқиб, 1434 ўйинда ғолиб бўлган.***

***Машҳур теннисчи Мартина Навратилова ҳақида гап кетганда, шарҳловчилар унинг 167 турнирда ғалаба қозонганини алоҳида таъкидлашади. Чунки бу маррани яқин ўртада бирор теннисчи забт этиши амримаҳол. Мартинанинг онаси тоғ чанғиси йўриқчиси бўлиб ишларди ва кўпинча қизалоғини ҳам ишга олиб борарди. Шунинг учун бўлса керак, Мартина ёшлигида шу спорт турига қизиқди. У бир пой чанғига ўтириб олиб, тепаликдан пастга учганда икки ёшли қизча эди.***

***Орадан кўп ўтмай унинг ота-онаси ажрашади. Энди Мартинанинг тарбияси билан бир пайтлар машҳур теннисчи бўлган бувиси Агнеса Семански шуғуллана бошлайди. Бу эса қизалоқнинг теннисга қизиқишига сабаб бўлади.***

Мартина беш ёшга тўлганда унга Мирослав Навратилов устозлик қила бошлайди. Ўша пайтдаёқ Мирослав Мартинага «Сен ўн беш йилдан сўнг Уимблдонда чемпион бўласан», дея башорат қилган эди. Навратилов орадан кўп ўтмай шогирдининг онаси билан танишади ва унга уйланади. Мартинага ўз фамилиясини беради.

Тенгдошлари ҳали қўғирчоқ ўйнаб юрган пайтда Мартина елкасига ракеткани осганча мусобақаларга қатнарди. Ўғай отаси эса доимо унинг қошида парвона эди. Орадан йиллар ўтгач, Мартина Мирослав ҳақида: «Агар ўғай отам менга ажратган ҳар бир дақиқаси учун бир доллардан олганда ҳам, аллақачон миллионер бўлиб кетарди», дея эслайди.

Тинимсиз машқлар ва изланишлар дарров ўз самарасини беради. Мартина саккиз ёшга кирганда ўн иккига ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги турнирда ғолиб чиқади. Турнирга улар қандай борганини қўшнилари шундай эслайди: «Мирослав эски мотоциклига минар, Мартина эса елкасига ракеткасини осганча орқа ўриндиққа ўтириб, ўғай отасининг белига маҳкам ёпишиб оларди. Сўнг мотоцикль шамолдек елиб йўлга тушарди».

Навратилова теннис оламида танила бошлагач, уни йирик турнирларга ҳам таклиф қила бошлашди. Мартина бир гал АҚШ очиқ чемпионатида ғолиб чиқди ва 50 минг доллар мукофот олди. Аммо Чехословакиядаги коммунистик тузум раҳбарлари унга «империалистларнинг пулига учмаслик керак»лигини тушунтиришди. Пулни ўзлаштирмоқ учун, теннисчига атиги 200 доллар садақа беришди. Худди шу воқеа машҳур теннисчининг ўз юртини ташлаб кетишига сабаб бўлди.

1975 йилнинг 5 сентябрь куни дунёнинг барча ахборот агентликлари коммунистик Чехословакия теннисчиси АҚШ муҳожирлик хизматидан вақтинчалик бошпана сўрагани ҳақидаги хабарни тарқатди. Бу сиёсий бошпана сўраш билан баробар эди. Шундай қилиб, Мартина ўғай отаси билан Америкада яшай бошлади, онаси эса Чехословакияда қолди.

Орадан уч йил ўтгач, яъни 1978 йилнинг ўрталарида у биринчи марта дунёдаги энг кучли теннисчилар рўйхатининг биринчи поғонасига кўтарилди. У АҚШга келганда: «Мен эркин яшашни, севиб-севилишни ва буни ҳеч кимдан сир тутмасликни истайман», деган эди. Шу шиорга амал қилган Мартина ҳаётда қўлгаб қозоларга дуч келди. Энг ачинарлиси, у ўзи аёл бўла туриб, жинсдошларини телбаларча севиб қоларди... Аста-секин бу муҳаббат можаролари унинг ўйинига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мартина бирин-кетин мағлубиятга учрай бошлади.

Мартина мағлубиятларга ўрганмаганди, ҳамиша ғолиб чиқаман, деб ўйларди. Энди эса... Мағлубиятлар, кетма-кет ютқазишлар, муваффақиятсизликлар кўзини очди. У ҳатто, «Мен энди телбаларча севгига ишонмайман», дейишгача бориб етди. Бутун аламларини теннисдан олди. Ҳатто, 40 ёшида ҳам у йирик мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб чиқди. Ҳозир Мартина АҚШда сокин ҳаёт кечирмоқда.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ тайёрлади.**

**Футбол — ҳиссиётлар туғёни. Унда эҳтиросларга рақсга тушади. Шу боис, 90 дақиқалик ўйин давомида нафақат футболчилару томошабинлар, балки сизу бизга майдондаги вазиятни холис ва ҳаққоний, энг муҳими, янада серзавқ тарзда шарҳлаб борувчиларнинг ҳам асаби анчагина «емирилади». Ишонмайсизми? У ҳолда бундан буён телевизор орқали футбол томоша қила туриб, шарҳловчининг сўзларини диққат билан эшитишни ҳам унутманг. Антиқа ибораларга гувоҳ бўлишингизга футболу футболчилар кафил...**

**Қуйида бизнинг кузатувларимизда қулоққа чалинган айрим ибораларга эътиборингизга ҳавола қилинади.**

## «Жилардиньо ва Кака — деярли ака-ука!»

**.— Сервер Жепаровнинг зарбалари ҳар гал дарвоза тўсини устидан ўтаяпти. Эҳ, қанийди, тўсин яна бир метр юқорирокда ўрнатилган бўлса...**

**— Майдондаги ишқибозларнинг ҳакам ҳақида қандай фикр билдиришаётганини эшитишингиз учун бир оз сукут сақладим. Ишонаманки, ҳозир бу фикрларга барча юртдошларимиз қўшилишади...**

**— Ҳакам қўшиб берган тўрт дақиқа ниҳоясига етди, ўйин эса аллақачон тугаган...**

Шарҳ ҳақида шарҳ

**— Ҳа, хурматли бокс ишқибозлари, бугун «Милан»нинг омади келмаяпти...**

**— Тўп Жилардиньода. Зарба! Афсус... Йўқ, бу Кака экан. Улар бугун шу қадар бир-бирига ўхшайдики, худди ака-ука Березуцкийлар дейсиз...**

**— Гейнрих рақибларни алдашга шу қадар берилиб кетдики, рақиб ҳимоячилари тўпни ўзидан олиб қўйишганини ҳам сезмади...**

**— Бугун миллий терма жамоамизнинг ўн (ўнг демоқчи) қаноти анча яхши ишлаяпти...**

Аброр ОРИПОВ чизган сурат.

## «Чипта керакми? Интернетга уланинг!»

**Дастлабки тахминларга кўра, уч ҳафта мобайнида 1,8 миллион дона чипта интернет орқали сотилиши режалаштирилганди. Чипта савдоси тўғрисидаги рекламаларни ўқиган спорт ишқибозлари дарҳол буюртма беришни бошлаб юборишдилар. Айни пайтгача қарийб беш миллион одамдан буюртма келиб тушганлиги таъкидланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, чипта сотуви якунлангунга қадар мазкур рақам икки маротаба ортиши ҳам мумкин.**

**Пекин Олимпиада қўмитаси тарқатган маълумотларга кўра, шу ойнинг ўнинчи санасидан бошлаб Олимпиада ўйинлари учун чипталар сотувига «старт» берилди.**

## Антиқа олимпиячилар

**«Beijing Daili» газетаси берган хабарларга қараганда, 2000 йилдан буён Хитойда саккиз минг нафар болага Олимпиада-2008 билан боғлиқ исм қўйилган.**

**Манбада ёзилишича, уларнинг 3194 нафарига Аоуип («Олимпиадачи») исми берилган бўлиб, барчаси 2000 йили, яъни, Пекин 2008 йилги Олимпиада мезбони сифатида танланганидан сўнг туғилган экан. Шунингдек, яна тўрт ярим мингга яқин ўғилқиз Олимпиаданинг бешта рамзи (тумори) — Бэй Бэй, Цзинь Цзинь, Хуан Хуан, Ин Ин, Ни Ни номлари билан аталади. Ушбу исмларнинг биринчи қисмлари ўзаро қўшиб ўқилганда «Бейцзинь хуаньин ни» («Пекин сизни шарафлайди») сўзи келиб чиқади. Панда, Тибет антилопаси, қалдирғоч, балиқ ҳамда Олимпиада машъаласи руҳи шаклидаги бешта одамчани акс эттирувчи мазкур рамз «Фува» деб номланган.**

*Биринчи жаҳон уруши даврида франциялик ҳарбий учувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун Париж атрофидаги кортларда ўзига хос теннис мусобақаларини ташкил қилишарди.*

## Ҳазилнинг таги...

Биласизми?

**Бу мусобақаларда Роллан Гаррос исмли механикдан бошқа барча учувчилар иштирок этарди. Роллан Гаррос теннисни мутлақо хуш кўрмаслигини билган ҳамкасблари унинг жаҳлини чиқариш учун ҳазил тариқасида бу мусобақаларга «Роллан Гаррос турнири», деб ном беришади. Бугунги кунда «Катта Дубулға» туркумига кирувчи тўрт очиқ чемпионатнинг бири мазкур спорт турини умрбод ёқтирмай ўтган инсоннинг номи билан аталишини эса тақдир ҳазили сифатида баҳолаш мумкин.**

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 7